

ЎЗБЕКИСТОН
ЖАМААТИ
Миллий Кутубхонаси
Инв. №



Ўзбекистон adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqib boshlagan • 2003-yil, 10 yanvar • № 2 (3687)

Қишнинг чилласида баҳор нафаси кезиши жаннатмакон ўлка-мининг эрка табиятига хос хусусиятидир. Дарҳақиқат, шоир куйлагандай бир зум кўрмаса Кўёш ҳам соғиниб қоладиган хур Ўзбекистоннинг осмони бугун ҳам очик, ҳаво ҳаракати ҳам дилларни яйра-

лик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.
Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари, мазкур комиссия раиси Х.Кароматов бошқарди.
Халқимизнинг Истиқлол йилларида эришган зафарларимиз, ютуқ-

моийш этиладиган театрлашган томошалар устида ижодий гуруҳ иш олиб бораётди.
Мазлумки, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан янли қилинган "Обод маҳалла йили", мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қара-

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Маданият ишлари вазирлиги тизимида оммавий кутубхоналар ўртасида «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан ўтказилган «Қариси бор унинг париси бор» мавзудаги «Энг яхши оммавий тадбирлар сценарийси» республика кўрик-танлови яқинлади.
Ҳакамлар ҳайъати қарорига биноан Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани марказий кутубхона маъмурияти тақдим этган сценарий биринчи ўринга муносиб деб тоғилди.
Бобур номидаги Андижон вилояти Илмий-универсал кутубхонаси ва Самарқанд вилояти Булунгур тумани марказлашган кутубхоналар тармоғига қарашли 21-тармоқ кутубхонасига иккинчи ўрин берилди.
3-ўринни Фарғона вилояти Қўқон шаҳар марказий, Навоий вилояти Хатирчи тумани марказий болалар ҳамда Тошкент вилояти Ангрэн шаҳар марказий кутубхоналари эгаллади.

Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқий театри ташкил тоғилгани 75 йил тўлиши муносабати билан катта тантана бўлиб ўтди. Тадбирда Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Эрназаров иштирок этиб, жамоани қизгин табриқлади ва бир қатор театр ходимларига вазирликнинг Фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғаларини топширди. Ўзбекистон ва Қорақалпоқiston халқ шоири Ибройим Юсупов, Ўзбекистон ва Қорақалпоқiston халқ ёзувчиси Тупабеганов Қайбергандов ва бошқалар сўзга чиқиб, театр ҳақида самимий фикрларини билдиришди.

Баҳром ҚУРБОНОВ, Маданият ишлари вазири ЯНГИ АСР КИШИСИ МАДАНИЯТИ

Инсоният янги — XXI асрга қадам қўйиши билан эртанги кун, келажак ҳақида кўп башоратлар, тахминлар айтилди ва айtilмоқда. Ҳақиқатан ҳам цивилизация — маърифий, маданий дунё тараққийоти билан ҳам, одамлар ҳам тадрижий ривожланишда, ўзгармоқда.



Мустақилликнинг 12 йиллиги байрами арасида анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро фестивали ҳам бўлиб ўтади. Маданий ҳаётимиздаги бу катта тадбирга тайёргарлик ишлари бошланиб кетган.
Умуман, биз мумтоз куй ва кўшиқларни кенгроқ тарғиб этишга эътиборни қўяётганимизнинг зарур. Шу мақсадда вазирлик халқ қалбининг тўридан ўрин олган энг яхши асарлар видео ва аудио нуусоабати кўяйтириб, илҳомдларга етказишни кўзламоқда.

Хусусан, бугунги ўзбек халқини бундан атиги ўн-ўн икки йил аввалги юртдошларимиз билан таққослаб бўладими? Мутлоқ коммунистик ақида сунъий сингдирилган, тили, маданияти камситилган муте одам қаёқдаю, ўз тақдирини ўз қўлига олган, буюқ тарихи, беқиёс бой меросидан руҳ олган, эркин фикрловчи Мустақиллик бунёдкорининг дунёқаёру, маънавияти қайси поғонада?

Бу шунчаки «қизил гап» учун айтаётгани йўқ. Бизнинг олдимизда маданий-маънавий ишларни ана шу реал воқеликни ҳисобга олган ҳолда қайта қуриш, миллий истиқлол гоғимизга мос муҳитни шакллантириш, халқимизда, айниқса, ёшларда жамиятимизда рўй бераётган туб ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ахлоқий ўзгаришларга дахлдорлик туйғусини шакллантиришдек жуда масъулиятли вазифа турибди.

Бевосита Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган маданият соҳасидаги кенг қўламли, чуқур ислохотларнинг туб моҳияти ҳам ана шунда.
Янги аср шахсини уйғун шакллантиришда маданият муассасаларининг роли ва аҳамияти чуқур идорак этилаётганлиги сабабли ҳам соҳага шандай катта эътибор қаратишмоқда.

Бунинг исботи сифатида мустақиллик йилларида «Туркистон» саройи, Ўзбек миллий театримиз, Ўзбекистон рус академик театри, Тошкент давлат цирки қайтадан барпо этилганлиги, ҳеч муболагасиз, жаҳонда тенги йўқ Ўзбекистон давлат консерваторияси янги биноси қурилиши, тарихий обидаларни, музейларимиз, кутубхоналаримиз, бошқа маданият муассасаларини таъмирлаш, уларни жиҳозлаш учун ҳар йили жуда катта миқдорда маблағ ажратилаётганлигини келтириш мумкин.

Санъаткорларимиз, маданият ходимларининг кўпгина авлодлари орзу қилиб юрган ниятлар амалга ошмоқда. Бугун Ўзбек санъатини дунё тан олапати дейиш учун ҳамма асосларимиз бор. Мустақилликка бўлган даврда бор-йўғи 42 олий ва ўрта махсус ўқув юрталари талабаларини солиқ иттифоқ ва халқаро таловларда қатнашган бўлса, янги даврда 147 талабаимиз нуфузли халқаро таловларда голий ва лауреат бўлиб қайтиди. Республика ва вилоят театрлари Миср, Исроил, Германия, Франция, Голландия, Буюқ Британия, АҚШ, Россия, Қозғистон саҳналарида ўз санъатларини намойиш этиб олқишларга сазовор бўлмоқдалар.

Бебаҳо маданий меросимиз энг мўътабар музейларда хорихликлар эътиборига ҳавола этилаётти. Халқ амалий санъати дурдоналари, музейларимизнинг нобўз экспонатлари дунёнинг энг ривожланган давлатлари АҚШ, Германия, Буюқ Британия, Италия, Франция намойиш залларида маданият илҳомдларига ҳавола этилмоқда.

Янги аср, янги давр маданият ходимларидан ҳам янгича фикрлашни, ижодий изланишни талаб этмоқда. Ишга ана шундай янгича ёндашишни 2003 йил режаларимиз марказига қўйганмиз.

Энг аввало, бадиий жамоалар умумхалқ байрами — Наврўзга тайёргарлик ишларини авж олдириб борганлигини таъкидлаш зарур. Тошкентдаги, вилоят марказларидаги байрам томошалари

дастурларида республикаимизда 2003 йили «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлиги марказий ўринни эгаллаши шубҳасиз. Ҳар галгидек, халқимизнинг жуда бой ижоди — фольклор ва этнографик куйлар, кўшиқлар, рақсларга кенг мурожаат этилади. Мустақилликнинг 12 йиллиги байрами арасида анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро фестивали ҳам бўлиб ўтади. Маданий ҳаётимиздаги бу катта тадбирга тайёргарлик ишлари бошланиб кетган.

Умуман, биз мумтоз куй ва кўшиқларни кенгроқ тарғиб этишга эътиборни қўяётганимизнинг зарур. Шу мақсадда вазирлик халқ қалбининг тўридан ўрин олган энг яхши асарлар видео ва аудио нуусоабати кўяйтириб, илҳомдларга етказишни кўзламоқда.

Янги йил режаларимизда «Ўзбекистон кўшиқ байрами», «Шарқ тароналари» IV Халқаро мусиқа фестивали, замонавий мусиқа фестивали, фольклор ва этнографик жамоалар, аскиячилар, бахши-оқиналар, «Алла» республика кўрик танловларини ўтказиш ҳам ўз аксини топган.

2003 йили Абдуллохик Гиждувоний таваллуд топганининг 900 йиллиги кенг нишонланади. Ушбу сана муносабати билан маданий ёдролликларни сақлаш бош бошқарманинг уста ва таъмирловчилари Бухородаги тарихий обидаларни таъмирлаш бўйича кенг қўламли ишларга киришмоқдалар.

Кейинги вақтда театрларимиз, айниқса, вилоятлардаги театрларимиз фаолияти, уларнинг репертуари, актёрлар маҳорати муаммолари ҳақида кўп гапирилмоқда. «Ўзбектеатр» бирлашмаси мутахассислари, театршунослар томонидан барча театрларнинг моддий-техник неғизин, ижодий труппалари шаклланиши, бошқа масалалар жойларда ҳар тарафлама ўрганилиб, чуқур таҳлил этиб чиқилди.

Шунингдек, вазирлик буюртмаси асосида А. Қодирий номидаги Маданият институти социология кафедраси томонидан томошабинлар ўртасида театрлар фаолиятига оид суров ўтказилди.

Ушбу таҳлиллар театрлар фаолиятини тубдан ўзгартриш талаб этилаётганлигини кўрсатмоқда. Бу йўналишида биз Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари, маҳаллий ҳокимият идоралари билан ҳамкорликда иш олиб боришни режаллаб қўйганмиз.

Маънавий-маданий тарбия ишлари кўплаб вазирилик ва идоралар, жамоатчилик ташкилотларининг саяё-ҳаракатларини мувофиқлаштириши, янгона мақсад сари йўналтирилган дастур асосида фаолият олиб боришни талаб этмоқда.

Шунинг учун бугуннинг ўзида биз Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими, Мудофаа, Ички ишлар вазириликлари, «Маҳалла» жамғармаси, «Қамолот» ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик ўрнатиб, биргаликдаги тадбирларимиз режаларини ишлаб чиқмоқдамиз.

2003 йили кутубхоналар фаолиятини жонланттириш, олий ва ўрта махсус ўқув юрталаримизда мутахассислар тайёрлашни тақомиллаштириш, маданият соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни, бошқа кўпгина тадбирларни режаллаганмиз. Уларни бажариш учун амалий ишлар ҳам бошлаб юборилган.

Бинобарин, ўй-фикрларимиз, туйғуларимизда яшаётган, амалда руёбга чиқарилаётган ишларимизнинг моҳияти ҳам янги аср кишини маданиятини шакллантиришда иборатдир.

КЎКЛАМ НАҲАСИ Наврўз байрами тараддуди

тадилан, кўклам суруридан дарак бергули даражада илиқ.
Об-ҳаво одамларда қайфият пайдо қилади, деб беҳуда айтмайди. Бугундан деҳқон даласининг, механизатор машиналарининг ташвиши билан банд бўла бошлагани аён. Чунки баҳор ҳавоси дашту дала, қир-адирларни уйғота бошладди. Шодиёналарга бой бўлса ҳадемай ўзининг файзу таровати билан ташриф буюражак. Демак, Наврўз келажак!

Бу алоҳида тантана — бошқа байрамлардан ўта қадимийлиги ва миллийлиги билан улугворлик касб этган умумхалқ аёми. Шу боисдан ҳам унга ҳозирлик қўриш кенг қўламли ташкилий ишларни пухта режаллаштириб олишни тақозо этади. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасида Наврўз байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг мажлисида тегишли вазир-

ларимиз, Ватанимиздаги барқарор тинчлик, мамлакат тараққийоти, турмушимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган жамки ишлар Наврўз шодиёналарида ўз аксини топади. Оламни яшарттирадиган, янгилайдиган баҳор янглиг дилларда севинч ва яшаш иштиёқини жўш урирадиган бу байрамда халқимизнинг қадим-қадимдан эъзозланиб келаётган миллий қадриятлари, удув ва анъаналари, ҳаётимизда ўз кўрсатган янгиликларини ранг-баранг бадиий дастурларда ўз аксини топади.

Албатта, Наврўз тантаналари пойтахтимиздаги ўша кўни байрамона либосга буркнланиган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтади. Ва албатта улуг шоириимизнинг сагтрлари яна бир бор тилларда жаранглайди:

Ҳар тунинг қалр ўлубон,
Ҳар кунинг ўласун Наврўз.
Айни пайтда Миллий боғда на-

тилаётган улкан эътибор ҳам Наврўз тантаналарида ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Пойтахтдан бошланадиган байрам шодиёналари юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида давом этади. Улуғ айём кунлари арафасида кам таъминланган, серфаранд оилалар, ёши улуг кишилар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, уларга яқиндан қўмақлаштишга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, мажлисда Самарқанд шаҳрида ўталган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш хусусида сўз борди. Жорий йил Истиқлол байрами арафасида ушбу мусиқа фестивали мамлакатимизда туртинчи марта ўтказилади.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Собир УНАР ҶАВАНДОЗНИНГ ОРИ

«Схул обод маҳалла хусусида уйлр»
Кун буйи кўшиқ айтган бечора қўшиқчям охирида бир айтган кўшигини йигирма марта такрор айтаберди, кун буйи қилпилаб уйнаган уйнинг кўшари кўмирламай қолган. Фақат қошини ўйнатди ва кўрагини силкитди. Яскам-дўкам столда қолган, ҳамон кетгани келмаётган меҳмонларнинг чўнтагида пулиям қолган, шу боис янги келган меҳмонларни турткилагани-турткилаган...

2-бетда

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ:

...кўпчилик мумтоз шoirларимизнинг асарлари 10-15 йилдан бери қайта нашр этилган эмас. Шу билан бирга, ўша шoirларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида янги-янги кашф этилган материаллар асосида янги талқинлар, янги илмий-тадиқотлар майдонга келиши керак.

3-бетда

Абдуқомил ИҶДОШЕВ АЛВИДО, ТУЗАМЛИК...

Ҳикоя
Қани мен кўрган Ойсулду янгининг сулувлуги, ибоси? Қани мен Ойсулду янгининг кўзларида кўрган ўт?..

4-бетда

14 январ — Ватан ҳимоячилари кун



ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ

Жалолитдин Мангуберди, Амир Темур сингари буюқ саркардаларимизнинг шон-шавкати, жасорат ва мардликлари озод Ўзбекистоннинг бугунги Ватан ҳимоячилари учун ҳам бебаҳо меросдир. Олий Мажлис иккинчи ҳақиқий 9 сессиясида Президентимиз таъкидлаганидек, «Бугунги кунда Куролли Кучларимизнинг давлат қурлиши тизимидаги роли, сарҳаларимиз дахлизлиги, мамлакатимизнинг худудий яхлитлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда».

Дарҳақиқат, шундай. Бундай шарафли нуфузга эришишда армия билан халқнинг бирлиги, жиқлиги катта аҳамият касб этди ва шундай бўлмоқда.
Олий Мажлис иккинчи ҳақиқий 9-сессиясида кўтарилган масалалар асосида Мулофаа вазир-

лиги таркибида Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси ташкил этилди. Бундан қўзланган бош мақсад — армия ва халқни янада бир-бирга яқинлаштириш, аскарларимизни миллий анъаналар ва қадриятлар асосида тарбиялаш, улар онгини миллий руҳ, миллий мафкура билан бойитишдан иборат.

Бу каби масалаларни муайян тартибда мунтазам равишда тақомиллаштириб бориш учун Мулофаа вазирлиги билан Ёзувчилар уюшмаси ўртасида йиллик ҳамкорлик режалари белгиланди. Бунга қўра, Ёзувчилар уюшмаси аъзолари бўлган ижодкорлардан бир неча гуруҳи вилоятларимизда бўлиб, ҳарбий қисм ва бўлинмаларида ижодий ўрашувлар ўтказишди.

Хусусан, ўтган ҳафта Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ва



алиб Қўқор Норқобил иштирокида гуруҳ Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳарбий хизматчилар, аскарлар билан ўрашувлар ўтказишди. Шундай анжуманлар Чирчиқда Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев, ижодкорлар Музаффар Аҳмад, Шўҳрат Ориф иштирокида ҳам бўлди.

Ижодкорлар ва санъаткорларнинг Ватан ҳимоячилари билан ижодий ўрашувлари қизгин давом этмоқда. Шоирларнинг Ватан, Озодлик, мардлик, ватанпарварлик, миллий гуруҳ ҳақидаги шеърларини санъаткорларнинг Ватан мадҳини ифодаловчи куй-қўшиқлари аскарларимизга манзур бўлмоқда. Кеча Ангрэнда бўлган шундай тадбирларда таниқли шоир Азим Суён ва алиб Собир Унар иштирок этишди. Бугун эса Сирдарёда Эшқобил Шукур, Сафар Оллоёр ва бошқа шоирлар иштирокида аскарлар ҳузурда шундай ижодий мулоқотлар давом этмоқда.

Шунингдек, вазирлик буюртмаси асосида А. Қодирий номидаги Маданият институти социология кафедраси томонидан томошабинлар ўртасида театрлар фаолиятига оид суров ўтказилди.

Ушбу таҳлиллар театрлар фаолиятини тубдан ўзгартриш талаб этилаётганлигини кўрсатмоқда. Бу йўналишида биз Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари, маҳаллий ҳокимият идоралари билан ҳамкорликда иш олиб боришни режаллаб қўйганмиз.

Маънавий-маданий тарбия ишлари кўплаб вазирилик ва идоралар, жамоатчилик ташкилотларининг саяё-ҳаракатларини мувофиқлаштириши, янгона мақсад сари йўналтирилган дастур асосида фаолият олиб боришни талаб этмоқда.

Шунинг учун бугуннинг ўзида биз Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими, Мудофаа, Ички ишлар вазириликлари, «Маҳалла» жамғармаси, «Қамолот» ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик ўрнатиб, биргаликдаги тадбирларимиз режаларини ишлаб чиқмоқдамиз.

2003 йили кутубхоналар фаолиятини жонланттириш, олий ва ўрта махсус ўқув юрталаримизда мутахассислар тайёрлашни тақомиллаштириш, маданият соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни, бошқа кўпгина тадбирларни режаллаганмиз. Уларни бажариш учун амалий ишлар ҳам бошлаб юборилган.

Бинобарин, ўй-фикрларимиз, туйғуларимизда яшаётган, амалда руёбга чиқарилаётган ишларимизнинг моҳияти ҳам янги аср кишини маданиятини шакллантиришда иборатдир.

ПОЙТАХТ

ТЕАТРЛАРИДА

ДАСТУРЛАРИ

5-бетда

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан Ўзбекистон Телерадиокомпанияси замонамиз қахрамонлари ҳақидаги энг яхши насрий асар (роман, қисса) ва телесериал учун танлов эълон қилади. Танловга адабий-бадиий журналларда босилган ёки алоҳида китоб ҳолида чиққан роман ва қиссалар, телесериал сценарийлари 2003 йилнинг 4 июлига қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қабул этилади.

Танловда голий деб топилган асарлар ва улар муаллифларининг номлари Ўзбекистон давлат Мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида эълон қилинади.

Ғолибларга пул мукофотлари белгиланган:

Энг яхши насрий асар (роман, қисса) учун — 200 минг сўм;
Энг яхши телесериал сценарийси учун — 200 минг сўм.

ТАШКИЛИЙ КЎМИТА

Сеvara НАЗАРХОН: АСР МАНБАДАН УЗИЛМАЙДИК

Шу билан бирга, бу каби эътиборлар зиммамга катта масъулият юклайди.

Бир неча янги кўшиқлар яратдим. Айниқса, Бобур Бобомуроднинг «Ватан бу» номи шеърига ётган кўшигим, назаримда, ёмон бўлмади.

Швейцария, Япония каби чет мамлакатларда ўзбек эстрадаларини муносиб тақдим этишга ҳаракат қилдим. Эстония давлат опера уюшмасида эстониялик санъаткорлар билан композитор Питер Вахининг «Грин Тара» кантатасини ижро этишим хонанда сифатида имкониятларимни синаб қўришда катта аҳамиятга эга бўлди. Уйлабманки, санъат китобининг дастлабки саҳифаларини биттаётган мен каби ёш ижрочи учун булар жуда катта гап.

— Янги йилдан қандай ундириниб бор? Ижодий режалар қандай?
— Инсон нафақат янги йил, балки ҳар бир кундан ҳам эзулик, яхшилик ва янгилик кутиб яшай-

ди. Менин ва мен каби ўзбек миллий эстрадаси ривожига нимадир қўшишни ният қилган ижрочиларнинг асосий вазифаси — яхши кўшиқ яратиш. Аммо ана шу яхши кўшиқнинг ижод қилиш осон жараён эмас, десам янглик бўлмас керак. Тинимсиз изланиш, ўрганиш ва яратиш зарур. Айниқса, ҳозир жонли ижрога катта эътибор берилётган бир пайтда хонандаларнинг масъулияти янада кучайди.

Анчадан бунён Бастакорлар уюшмаси билан жиддий ҳамкорлик қилиб келаман. Уюшма раиси, композитор Рустам Абдуллаев мендан зарур маслаҳатларини аямайди. Бу йил ҳам шу ҳамкорликни давом эттирмакчиман.

Ҳар қандай куйнинг, ҳатто замонавий эстрадаларнинг асл манбаи халқ куйлари, мумтоз халқ мусиқасидир. Илдизи ана шу манбаларга бориб туташмаган мусиқа ҳеч қачон миллий бўлмайди. Шу сабабли ўзбек халқ мусиқа меросини

Янги йил танловлари



ва мухлисларимга янги йилда бахт, соғлиқ ва омад тилайман.
Гулчехра УМАРОВА сўхбатлашди.

Хўш, бу улуг йўл Ўзбекистон учун қандай имкониятлар очилди?

Авалло, бу йўл Ўзбекистоннинг ақсарият вилоятлари бўлиб, яъни унинг шимолидан шарқига қадар бутун мамлакат худудини кесиб ўтади. 2010 йилга қадар Андижон — Тошкент — Нукус — Кўнғирот оралиғига узунлиги 1422 километрли ташкил этилган трасса жаҳон андозаларига мувофиқ тарзда қурилиб, тўлиқ фойдаланишга топширилади. Фарғона vodiysi, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятларидан ўтиб, Қорақалпоғистонни туташиратадиган бу трассанинг Қамчиқ доғидан ўтайдиган қисми бугун ўзининг асл қиёфасини олганга ҳаммамиз гувоҳимиз. Эндиликда янги халқроқ трассанинг бошқа қисмлари қурилиши ҳам жонланмоқда.

Айни кунларда Кўнғиротдаги йўлсозлик бошқармасининг бўғинкорлари 400 километрлик Кўнғирот — Бейнон йўлининг ўттиз километрлик қисмида иш олиб боришмоқда. Ҳар кун Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари чегарасига яқин жойдаги «Қорақалпоғистон» темир йўл бекатига Қоратов конидан қирқаллик вагон қум-шағал келтирилмоқда. Янги йўл қурилишида қирққа ақин турли хил техникалар, олтинидан ортик йўлсозлар ишламоқда.

Қозоғистонлик йўлсозлар эса чегаранинг у томонида «Оқжигит» станцияси атрофида шу йўлнинг давомини қурмоқдалар. Бу йўллар бираштирилганда, Европа — Осиё трансконтинентал автомагистрალი ўзининг ҳақиқий қиёфасига эга бўлади. Ҳозир эса қишнинг қаттиқ совиғи, ёққан қалин қорларга қарамай қишларни бир-бирига туташтирувчи халқро йўл қурилиши тўхтовсиз олиб боришмоқда.

Ишбу Зарип Жоматовни суҳбатга тортамиз. У асли Беруний шаҳрида туғилиб ўсган. Умрининг кўп йиллари бунёдкорликка, йўлсозлик қурилишлари ва бағишлаган. Ўз касбининг моҳир билдирми бўлиш билан бирга, у касбдошларини улуг ишга даъват этиб, узоқ йўлларни яқин қилаётгани, савоб ишлари билан элнинг раҳматига сазовор бўлаётганидан фахрланади. Ана шу фахр ҳиссини бошқаларга ҳам юқтира оладиган ширтабиат қурувчи билан суҳбатлашмиш жуда мароқли. Бироқ унинг ишлари кўп. Бир ёқда темир йўл орқали пайдар-пай келиб турган қум-шағалнинг ўз вақтида тушириб олинишини ташкил этиш керак. Чунки вагонлар бекатда мудатидан кўп туриб қолмаслиги зарур. Бу жойдаги тоғ-тоғ қум-шағал ҳам пешма-пеш Устюрт чўллари узра поёндоз янгилик тушалаётган трассага ташилиши керак. Эҳ-ҳе, бу қум-шағални олдиндан сув сепилиб шибданларча ва зичланган йўл қатлами устига ёйиш, текислаш, барча ишларни лойихада кўрсатилганидек зарур зичликда амалга оширилишини ташкил этиш, назорат қилиш осонмас. Аввало, ҳар қандай йўл қурилишининг катта масъуля-

ти бор. Қолаверса, бу йўлнинг аҳамияти жуда катта. Бир пайлар боболаримизнинг қаровлиги ўтиб турган, бир манзилдан иккинчисига етгунча ойлаб вақти йўлда кечган Устюртга бугун йўлсозларнинг қадами теккан экан, улар ўз ишларининг мангуликка дахлдор эканлигини, бу йўллар мамлакатлар ва халқларини бир-бирига боғловчи ўзига хос дўстлик

Европа — Осиё трансконтинентал автомагистрალი қурилишида

чи транспортлар темирйўл ёқалаб, оддий тупроқ йўллардан фойдаланиб олиш манзилларга бориб келишмоқда. Бу ҳолнинг катта қийинчилик туғдириши эса барчага аён. Кўпчилик ҳайдовчилар Устюрт узра ўзларига қўлай йўл қидириб, кўпинча адашиб кетадилар. Саратон жазираси ва қишнинг қаҳратон совуқларида адашиб кетганларнинг аҳволи нима билан тугаши эса тушунарли. Кумли йўллардан ўта олмай, манзилни топа олмай саҳрода қолиб кетганларнинг ҳаёт билан видолашиш ҳоллари ҳам юз бериб туради. Устюрт йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича катта назоратчи, милиция майори Қўйчбой Аянқулловнинг гувоҳлик беришича, икки йил муқаддам Тольятти шаҳридан янги «Жигули» машиналарини олиб қайтаётган тожикistonлик фуқаролардан бири

УСТЮРТ УЗРА ЙЎЛ

Европа — Осиё трансконтинентал автомагистрალიнинг катта қисми бизнинг мамлакатимиздан ўтади. Бу йўлнинг дастлабки босқичи Муस्ताқиллигимизнинг илк йилларидаёқ қурила бошлаган эди. Қамчиқ доғиданги тунеллар ва айриқ йўлсозлик ишларининг битказилиши катта воқеа бўлди. Фарғона vodiysi ни мамлакат пойтахти билан боғловчи янги Буюк Ипақ йўлининг ана шу қисми бугун кўпчилигининг узогини яқин қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 август қаро-

рига асосан эндиликда Европа — Осиё автомагистрალიнинг бошқа қисмларида ҳам йўллар қурилиши жадал давом этмоқда. Утган йилнинг охирида Устюрт чўлларида қурилиш бошланган Кўнғирот — Бейнон (Қозоғистон) йўли ана шу улуг қарор йўлининг давомидир. У умумий узунлиги ўн миң километрдан ошадиган Хитой ва Марказий Осиё мамлакатларини Россия орқали ГАРбий Европа давлатлари билан боғлайдиган қишқалараро автомагистрალიнинг муҳим қисми бўлади.

ришталари бўлиб қолишини унутиб бўладими?

Йўл қурилишида булдозерлар, автогрейдерлар, скреперлар, экскаваторлар, зичлаш механизмлари, юклагичлар трассанинг 12,4 метр эндиликдаги бир қанотини бунёд этмоқда. Улар бу катта қурилишга мамлакатнинг турли йўлсозлик ташкилотларидан жалб этилган. Зарип Жоматов моҳир йўлсозларнинг номини тилга оларкан, Қайипназар Оролбоев, Турғунбой Мусаев, Богдон Айтқўжаев, Мурод Бердиқуловларнинг ишидан манмулигини айтиди. Темир йўл вагонларини «ЛИБНЕР» юклагичига шағалларни тушириб ағдарма машиналарга юклаётган Изенбой Боймурзаев, экскаваторчи Тинитбой Раҳмонбердиев, кум-

шерикларини назардан қочириб, олтинчи-етмиш километр бошқа томонга адашиб кетиб қолади. Оқибатда у сувсиз қолиб, ҳалок бўлади. Шериклари уни кеч топишади.

Иккинчидан, йўл назорининг айтишича, шу чоққача автомагистрал Утмаганлиги сабабли Устюртда тупроқ йўллар беҳад даражада кўпайиб, чўлининг экологиясига ҳалдан зиёд зарар етказётган экан. Чунки кўп тоннали оғир машиналар утган жойларнинг тупроқ қатламлари кўчиб, қишнинг эсин тўзиб ётади. Бу жойларда ҳам, машиналарнинг бетартиб изларидан зичланиб тақирга айланган жойларда ҳам ўтлар ўсамайди. Бундай ҳоллар серуном яйловларнинг яйдоқлигини кетишига олиб келётган экан.

Биз Устюртдаги янги йўл қурилиши билан танишган кунимиз шу чоққача — ҳам чўл экологиясини бузаётган, ҳам тупроқли йўллардан минг азоб билан ўтиб қийналиб юрган автотранспортларнинг ҳали битмаган бўлса-да, кум-шағал тўкилиб, текисланган трассадан жон деб қатнаётганининг гувоҳи бўлдик.

— Энди ўз йўлимизга ҳам эҳтиёт бўламиз. Унинг аҳамияти тенгсиз, ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмайди, — дейди «Қорақалпоғистон» қўрғони фуқаролар йиғини раисаси Нурсулв Сансенова. — Бу йўл қурилишининг ташаббускори бўлган юртбошимизга минг раҳмат.

Бундай қалб сузларини Устюрт чўлларининг қийин шароитларида яшаётган, ишлаётган, газ трассаларимиз, компрессор станцияларимизга хизмат кўрсатаётган, чўлининг бепоён кенгликларига нефть ва газ конларини қидириб бургиллаш ишларини олиб бораётган, барча замонадошларимиздан эшитиш, уларнинг қувончларига шерик бўлиш нақадар фараҳли эди.

Пирмат ШЕРМУҲАММЕДОВ, Мурод АБДУЛЛАЕВ

ри, тўй қиладиган ҳам ўзларини, лекин умуман тартиб йўқ. Тошкентда наҳорда ё тушда бериладиган ош бу тўйдан

ҲАЛИМА НОСИРОВА



Миллий маданиятимиз ва санъатимиз оғир жудолликка учради. Ўзбек театри ва кўшиқчилик санъатининг буюк намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотлари соҳиби Халима Носирова 2003 йил 2 январ куни 90 ёшида вафот этди.

Халима Носирова ўзбек миллий операсининг асосчиларидан бири, ноёб овози билан «ўзбек булбули» деган юксак шурҳатга сазовор бўлган, маданиятимиз доврғини бутун дунёга таранум этган, ўзининг бетакор ижрочилиги мактабини яратган улуг санъаткор эди.

Халима Носирова 1913 йили Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида туғилди. У 1924 — 27 йиллари Боку театр техникумида, 1934—37 йиллари Москва давлат консерваторияси қошидаги ўзбек опера студиясида таълим олди. Ижодий фаолиятини 1927 йилда ўзбек давлат Намуна сайёр труппаси (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри)да актриса сифатида бошлади. 1929 — 39 йиллари ўзбек давлат мусидали театри, 1939 йилдан эътиборан эса Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик опера ва балет катта театрида меҳнат қилди.

Халима Носированинг мусикали драма театри соҳасидаги улкан хизматлари миллий опера ижрочилигининг шаклланишида бекиёс аҳамияти касб этди. У жаҳон мумтоз опералари билан бир қаторда ўзбек композиторлари асарлари асосида сахналаштирилган спектаклларда ҳам кўпларанг-баранг образлар яратиб, халқимиз олқишига сазовор бўлди. Санъаткор талқинидаги Ширин ва Лайли, Зухра ва Гулсара, Дилором ва Ойхон каби ёрқин образлар бадиий

И.КАРИМОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ҳ.СУЛТОНОВ, Х.КАРМОНОВ, Т.ХУДАЙБЕРГЕНОВ, Х.СУЛТОНОВ, Б.КУРБОНОВ, А.ОРИПОВ, Р.АБДУЛЛАЕВ, С.КОБУЛОВА, Г.ИЗМАЙЛОВА, М.РАЗЗОҚОВА

ХАЛҚИМИЗНИНГ ИФТИХОРИ ЭДИ

Уйимизнинг бир бурчи хувиллаб қоладиган бўлди — давримизнинг буюк санъаткорларидан бири Халима Носирова бу дунёдаги умр йўлини хотималаб, боқий дунёга риҳлат қилди. Бир вақтлар атоқли рус файласуфи ва мунаққиди Чернишевский санъат турларини таснифлар экан, хонандаликни санъат қаторига киритмаган эди. Лекин йўлайликки, бу одам Халима Носированинг қўйлагани локал бир марта эшитган бўлганда, бу фикрдан қайтар ва унинг қошида юз қарра таваб-тазаррулар қиларди. Ҳеч қандай мулолағаси айтиш мумкинки, Халима хоним кўшиқ айтганда, Ўзбекистон боллариди ҳамма булбуллар жим турарди. Унинг овози ниҳоятда ўткир, жозибали ва ширдор эди. У қўшиқ бошлаши билан юракларда аланачуқ ёқимли титроқ турар, сиз ўзиниғ билмаган ҳолда бениҳоя сеҳрли, бениҳоя латофатли бошқа бир оламга кўчиб ўтганингизни билмай қолардингиз. Халима Носирова буюк бир ҳазинадон эди — унинг қалбига ўзбек халқининг асллар мобайнида яратган мумтоз кўшиқлари, термалари, лаларлари сақланган ва у ҳар гал саҳнага чиққанда ёки одамлар даврасида қўйлаганда бу бойликни сахийлик билан ҳаммага улашаварди. Менинча, мен тенги авлоднинг санъатга, мумтоз кўшиқларимизга муносабатимизни шакллантиришда, қолаверса, умумий маданий сувиятимизни тарбиялашда Халима опанинг таъсири беқиёс бўлган. Истанангиз, Халима опанинг санъати авж пардаларга кўтариладиган, у ҳар қандай тўсиқлар ва таққирларга қарамай, мафқуравий фақсларни қўшиқ билан парчалаб, ўзбекистон қалбига миллий гурурни уйғота олган эди. «Сеғоҳ»лар, «Дугоҳ»лар ва «Қоразор»лар ва яна юзлаб бошқа кўшиқлар бу борадаги миллий бойлигимизни жуда нодир ва ноёб эканини дунёга танитди.

Менинча, халқимизнинг уйғонишида, миллий тўйгуларининг шаклланишида Абдулла Қодирий, Ойбек, Фафур Гуломларнинг адабиётдаги хизмати қанча улуг бўлса, Халима Носированинг санъатдаги хизматлари ҳам шунчаллик беқиёсдир. Шунинг учун Халима опа менинг назаримда фақат санъаткоргина бўлиб эмас, санъаткордан улугроқ ва каттароқ сиймо бўлиб гавдаланади.

Халима опа, бир қараганда, беармон яшаб ўтди — у ҳамма мукофотлар-у унвоиларга сазовор бўлди, халқ қалбининг тўридан жой олди. Лекин шундай бўлса-да, унинг истеъдоди шу қадар кўп қиррალი эдики, ўз даврида уларнинг ҳамма томонлари очилиб, намоён бўлиб улғургани йўқ. Халима опа — ўзи дурустгина шоира ва шеърят илҳомини эди. У киши билан суҳбатлашсангиз, мумтоз шоирларимизнинг эди, Чўлпон-у Ҳамид Олимжон, Ойбек-у Фафур Гулом каби шоирларнинг шеърларини ёддан ўқиб, шеърлар унинг қалбидан шафқоф ва тиник булоқ сувидай оқиб чиқиб, сизнинг ҳам шеърят ташначилигини қондирар эди. Санъат дунёси зоҳиран ҳар қанча ялтироқ ва жозибадор кўринмасин, унинг ҳам ўз мурақаблиги, сувости оқимлари, хатарли ўпқонлари, кишини майиб қиладиган ўқир-чўқирлари бўлади. Халима опа ҳам шу мурақаб муҳитда яшаб ўлғайди, лекин ҳеч қачон ўзининг юксак инсоний сифатларини, ҳаққўйлигини, адолатпарварлигини йўқотиб қўймади. Агар Халима опадан кундалиқлар ёхуд хотиралар қолган бўлса, улар бу ёрқин инсоннинг қиёфасини тўлароқ тасаввур қилишимизга ёрдам берарди.

Ҳа, нафақат санъатимиз, балки халқимиз, биз — ҳаммамиз жуда оғир жудолликка учрадик — ўзбеки ўзбек қилган, унинг доврғини дунёга йитган забардаст инсондан айрилдик. Унинг хотираси қалбимизда абадий яшайди.

Озод ШАРАФИДДИНОВ



услида иш олиб бораётган бу йўлсозлар учун иссиқ жой ва оғир ташкил этилган. Техникаларнинг ишга соэлиги доимий назоратда.

Шуни айтиш керакки, ҳозирга қадар Устюрт чўлларида автомагистрал ўтмаган эди. Мажбур темир йўл эса ягона транспорт артерияси сифатида хизмат кўрсатиб келмоқда. Бироқ ҳар бир йўлнинг ўз қўлайлиги бор. Темир йўл ҳар қанча муҳим бўлмасин, у асло автомагистрал ўрнини, автомагистрал эса темир йўлнинг ўрнини боса олмайди. Бугун жаҳон денгизлариға чиқиш учун уларнинг ҳар иккиси ҳам керак. Шу чоққача Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг Устюрт чўллари орқали Шимол ва Европага қатнов-

шари ҳаммамизга қўйиб берилди. Бундай ҳоллар серуном яйловларнинг яйдоқлигини кетишига олиб келётган экан.

Бундай қалб сузларини Устюрт чўлларининг қийин шароитларида яшаётган, ишлаётган, газ трассаларимиз, компрессор станцияларимизга хизмат кўрсатаётган, чўлининг бепоён кенгликларига нефть ва газ конларини қидириб бургиллаш ишларини олиб бораётган, барча замонадошларимиздан эшитиш, уларнинг қувончларига шерик бўлиш нақадар фараҳли эди.

Пирмат ШЕРМУҲАММЕДОВ, Мурод АБДУЛЛАЕВ

Бош қомусимиз — Конституция қабул қилинган кунда Президентимиз томонидан кейинги йилни аташ одатий тусга кирди. Наинки одат, балки халқ руҳан шунинг кутадиган даражага келди. Биз ҳам баъзи фикри яқин дўстлар кейинги йилни ўзимизча атаб кўрдик. Беш-олтита ном топан ҳам бўлдик. Аммо Президентимиз бошқа номини айтдилар. Мум тилшадик. Ҳатто баъзи атамаларимиз бақчаналигидан уялдик... Ҳаётий заруриятлар кўпроқ юртбошимизга аён эканига тан бердик ва, энг муҳими, заковатига тасанно айтдик.

Собир УНАР

ЧАВАНДОЗНИНГ ОРИ

ёхуд обод маҳалла хусусида ўйлар

Умуман, ўзини-ўзи бошқариш тизимидаги «маҳалла» деган халқ ҳозирги замон дунёси учун тамом янги нарса. Яъни у фақат Ўзбекистондагина мавжуд. Аммо пировард мақсад — давлат ўз ҳуқуқларини тобора жамиятга узата борар, яъни кучли давлатдан кучли жамият сари бораркан, маҳалла асосий субъектлардан бўлиб қолади. Ўзбекининг ўзига хос феълиятлари, одатлари, қўнемалари асосида барпо бўлган ўзини-ўзи бошқарувчи янги орган бу. Бирор чет эллик меҳмонга «хашар», «оқсоқоллик», «лафаз», «орин» каби тушунчаларни аниқлашганда бу шунтиришга тўғри келади. Шу туфайли ҳам ўзини бошқара олиш қувватига эга бўлган бизим дунёда ягона институт эканига бошқаларда қизиқиш катта. Бу улуг учун галати ҳодисадир. Маҳалла ҳозирги пайтада бир халқдаги таассурот уйғотганда. Аммо у бора-бора жамиятнинг кучини ташкил этиши лозим. Ана, жўн мисол. Ҳеч бир маҳалланинг азоси бўлмаган мамлакат фуқароси борми — йўқ. Демак, ҳар бир фуқаро шу маҳалланинг иссиқ-сувуғидан, бўлаётган иш ва воқеалардан ҳабардор бўлишига, умум бажариши лозим бўлган ишларга маҳалла жалб этса, қатнашишга маъсул.

Шундай қилиб, маҳалланинг қай даражада ободлиги ундаги фуқаролар ахлоқи ва маънавияти қандай эканлиги билан ўлчанади. Кейинги вақтларда тўй ва маросимлардаги дабдаба, зураки, кўжақурсинга қилинаётган чаким, харажатлар хусусида ҳаммақабларимиз телевидение, радио ва газета-ларда кўп танқидий қишқилар қилиниши. Бу тўғри иш. Ҳатто то у қутилган самарани бермагунча муттасил давом эттириш лозим. Аммо бари бир қалаванинг учиб бориб маҳаллага ва ҳар биримизга тақалади. Шу гапларни ўзимиз баралла тарғиб қиламиз-у, ўзимизга келганда, «диндан чиқсанг ҳам элдан чиқма» мақолига бўйсунмиз. Ўзбекистон халқ эъзувичиси Тохир Малиқнинг яқинда «Ўзбекистон овози» газетасидаги «Бидъат нима, хурфот нима?» мақоласида тўғри эътироф этилгани сингари ўзимиз йўлаб топган урф-одат, маросимларнинг қилига айлиниб қолганимиз.

Шу йил ёзда ҳамкишлоғим, бир вақтлар яқин офтобнинг гуриллаган чавандоз бўлган Беркин ака Беккулов спиртли ичимликсиз тўй берди. Бирйўла икки келин тушириди ва тўй бошланмасдан бир ой бурун «Мен дастурхонга хоҳлаган таомимни қўяман, лекин бир грамм ҳам вино, ароқ қўймайман, ана, оғайни, хоҳ-ла» тўйимга бор, хоҳлама, борма», деб эслатиб ҳам қўйди. «Айтаберади-да, бир

нинг қарра афзал. Базм ва ош. Хоҳлаган одамнинг хоҳлаган миқдорда айтасан, шунга қараб ҳисоб-китоб қиласан. Харажат бир марта, чароқ бир марта, тамом шу билан. Бизнинг қишлоқда-чи? Тонналаб гўшт, овқат тарқат, беш юз бутилка ароқ бер — кумга сингган сув янглиқ билинмайди. Чунки тартиб-интизом деган нарса йўқ. Шу боис дастурхонда ҳам барока йўқ. Азонда пиширинган гўштининг қоронғи тушгунча чивин, аридан кўриб ўтирасан, кеча тайёрлаган салатларнинг эртаси кунини кечгача қуриб, бутунлай салатлигини йўқотди. Аммо тўйга кечикиб келган меҳмоннинг дастурхонига нимадир қўйишнинг керак, ахир. Унга нега кеч келдинг, деб маломат қилиб бўлмаса, без умидга чўнтагини қавлаб у юз ё тўрт юз сўм тўна қилиб темир дафтнингга ёдқидиб қўйди. Энди унга ароқ ҳам берасан, мажбурсан. Кун бўйи қўшиқ айтган бечора кўшиқчидан охирида бир айтаган қўшигини йигирма

марта такрор айтаберади, кун бўйи қилилган уйғатган уйғинчининг қўллари қимирламай қолган, фақат қошини уйғатади ва кўрагини сийди қилди. Яқкам-дуқкам столда қолган, ҳамон кетгиси келмаётган меҳмонларнинг чўнтағига пуляям қолмаган, шу боис янги келган меҳмонларни турткилагани-турткилагани дундан тортган хонадон соҳиби ва соҳибалари ўзлари уйғига тушиб бир-бирига пул қистирига бошлайдилар. Уйғинчи уларни юлкялаб тортиб опкетилади. Даврабоши бир меҳмонга сўз беради, у кейфи ошиб ярим соат хонадонни алқаб гапирарди, сўнг тўй эгаси билан бир қўшиқчирик ичгиси келаятганини эълон қилди. Хонадон эгаси бу иззат-хурматдан хурсанд, лекин унинг ҳам кейфи ошиб қолган, яна бир пиёладан сўнг у чўзилиб қолади. Бирор тўй давом этаварди.

Камина бунча тўйга чек

Муҳокама учун тавзу

дан бери бир сойнинг икки қирғоғида бир-бирига бетмабет яшаб келишди. Майли, бу яши. Аммо... Ана шу «аммо»си бор. Тўй қилар бўлсанг, ана шу 400 оиланинг ҳаммасини, боз устига қўшини қишлоқлардан ҳам дўстларнинг қирғоқларини айтишини тўғри келди. Бир новосонинг тўғри етмайди. Чунки тўйда тартиб йўқ. Мисол, бу жойда тўй асосан кундуз кун соат 12 ё 13 га деб айтишади. Лекин меҳмонлар эрталаб соат 7 дан бошлаб келаварди. Тўйга келганлар эрталаб соат 7 дан бошлаб келаварди. Тўйга келганлар эрталаб соат 7 дан бошлаб келаварди. Тўйга келганлар эрталаб соат 7 дан бошлаб келаварди.

Президентимиз обод маҳалла деганда нимани назарда тутганларини кенроқ тушунасак, яши бўларди. Эеро, чиндан ҳам тўғри маънодаги қишқалари топ-тоза, дархат ва гулларига зеб берилган, ҳовли саҳнлари супуриб-сидирилган маҳалла обод дейишга лойиқ. У жойдаги одамлар ҳақида ҳам кишида илҳ таассурот пайдо бўлади. Айтиш жоизки, бундай ўрнак бўларли маҳаллалар кўп. Уларнинг етакчилари, оқсоқолларига бароқалла, дегинг келарди.

Бироқ, кенг маънода маҳаллани маҳалла қиладиган у ердаги доимий истикомат қилувчи одамлар эмасми? Ҳар хил ва ҳар ердан келган одамларнинг бошини қовуштиришининг ўзи бўлмайди. Агар у ерда ўғри ва бузуқлар кўпайган бўлса, у

давоми 4-бетда

КАТТА ҲАЁТИЙ ВАЗИФА



Президентимиз, давлатимиз илм аҳлини қўллаб-қувватламоқда. Утган йили менинг ҳам камтар меҳнатимнинг тақдирланиб мамлакатимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотландим. Бу юксак мукофот мени янги изланишларга, янги тадқиқотлар яратишга илҳомландирди.

биётшуносларидан Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг «Фунун ул-балога» («Балоғат илмлари») асарини атрофлича ўрганиб, уни нашлаб тайёрлаш, матнини «Ўзбек тили ва адабиёти» журналада эълон қилишга киришиб бўлди. Журналнинг бу йилги сонларида асарнинг қолган қисмлари босилади.

Шайх Аҳмад Тарозий Улуғбек даврининг энг йирик адабиётшуно олимларидан бўлиб, у адабиёт назариясининг гоят муҳим масалалари бўйича махсус илмий-тадқиқотлар олиб борибди. Бу даврда темурийларнинг сайъ-харажатлари билан фан ва маданиятнинг барча соҳалари ривожланиб, катта ишлар амалга оширилган. Хусусан, Улуғбек даврида Мовароуннаҳрда ўзбек адабиёти ўзининг янги тараққиёт поғонасига кўтарила бошлаган эди...

«УЗИЛГАН БИР КИПРИК...»



Устоз Фафур Фулом шоир ва олим Ориф Икромов ҳамда журналист Курбон Эгамбердиев билан. Қарши, 1964 йил.

Албатта, тарихда кечган ҳодисалар, ёруғ дунёни тарқ этган одамлар тўғрисида сўз айтмоққа бугун ҳамминанг ҳам ҳуқуқи бор. «Шахсий фикр» деймиз, «Нуқтан назар», «Бугуннинг гапи» деб сарлавҳалар қўямиз... Бироқ ўртада истиқола деган тўғру ҳам, андиша деган гаплар ҳам бор-да. Айниқса, катта шахслар, фавқулодда истеъдод эгалари тўғрисида сента сўз беришса, бекхейр «Маънавий ҳаққим борми? Баҳо беришга, уни «оқ», буни «қора» демоқчилик менга ким ҳуқуқ берган?» деган тараддул шаштингдан қайтарди ва ... тўғри қилади! Кейин шу аснода - ўзингни бо-сиб олиб, мулоҳазага толсан.

Тилларда «Оҳ уринг, янги турмуш-чун», Зехи окуркадай оёқ остида...

Фафур Фулом ва унинг авлоди хусусида мулоҳаза юритилганда, бизнингча, бу ижодкорлар таржима ҳолини, усган муҳитини, бир лаҳза бўлсин, ёдан чиқармаслик лозим. Муҳитки, фақат ижтимоий-сиёсий вазият, мафкура таъсиринингизга эмас, балки, уларнинг болалиги, шахсий тақдир билан боғлиқ тафсилотларини ҳам.

Агар эътибор берсак, бу авлод ижодкорларининг аксарияти ХХ аср бошидаги хонавайрон мамлакатнинг ночор оилаларида, «танасидан қон олдирган бемор» (Ҳамза) ҳолига солинган юртда кўз очдилар. Бунинг устига уларнинг мурғак бошига етимлик, айрилик азоблари басма-бас ёғилди.

Фафур Фуломнинг ота-онаси ўлими билан боғлиқ ўқинчларини: Бошимни сувлагга Бир меҳрибон қўл, Бир оғиз ширин сўз Нондек арзанда. Мен одам элим-ку, Инсон фарзанди -

деган маломатларини эслайлик. Бола Абдулла (Қаҳор)нинг ўз юртида «келгинди»-лигию, Усмон Носир саргардонликларини танамиз ва кўнглимиз-ла бир ҳис қилайлик. Мана шу ахлоқда уларнинг бўйнига талсук, кўксига комсомол нишонлари қадалди. Гўё бошларини сизилгучи қўл, истеъдодларининг қадрига етгучи ҳомий топилди. Бу - уларнинг «эгаси» чиққанидан, узатилган қўл асло бош силанг учун эмас, балки бу тилла бошларни исканжада сақлаш учун чўзилгандан далолат эди. Бироқ бу хавфни вақтда ва тўлалигича англаш, ҳис қилиш, унинг оқибатларини олдиндан билишга яроқли тажриба бу ёш кўнглиларда не қилинч?

Чин устозлардан ажратиб олинган истеъдод янги, қудратли «эри» ихтиёрига истасистамас бўйинсунишга мажбур бўлди. Қўлпондек, Фитратдек аввалроқ шақланган ижодкорларини-да «бир хас» ҳолига солаётган бу қўпол куч кутқусига лош бермак айтоққанига осондир:

Қачонки зулмату нур ўрнини олмошадур, Қаро бошимдаги савдо дилмига тирмошадур, Қоним куйрада тапнингнинг алаганаси онадур, Тонгим ёруғи туғим тирадурига чирмошадур, Қўнғил аро зулфинг хаёли тун била тонг...

Истеъдод табияти тўғрисида қадимдан келадиган ҳақиқат Фафур Фулом ижодида яна бир бор ўз таснигини топади. Муҳитнинг оғирлиги, ташқи ва ҳатто ички назоратнинг муттасил таъқибига қарамай, тўғма қудратдан, бетиним тафаккурдан куч олаётган қалам мингйиллик адабиётга янги нафас олиб киради, тинсолларни ўзгартиради, тасаввурни бепеён кенгликларга қорайди.

Ўзбек аёлининг маҳди не-не юксак пардаларда, созларда қуйланган. Гўё унга берилмаган таърифнинг ўзи қолмагандек. Бироқ Фафур Фулом дили, тушунчаси, тасаввурдаги гўзал она заминга бениҳоя яқинлиги, миллатнинг кўзига таниш, кўнглига ошнолиги билан ажралиб тураверди:

Муҳаббат сурмасин қўшни қизига Олиб беролмасдан умрда бир бор Ўзинг ҳасратда ҳатто қўзига Ўргимчак ин қўйган йиғилар ҳам бор...

Киприклар устунига тортилган кўз олмас иларни, висол (висолки, фақат нигоҳ ором-и) умидида белор ошқ кўзларни тасаввур қилинг-а! Бу мулоҳазаларни фақат Фафур Фулом бадиий тафаккури, чин миллий шоир фантазиясига яратди олар эди.

...Орадан йиллар ўтиб, шоир Абдулла Орипов бу машъум ҳодисани ифода этувчи сўзини атоқли отта айлантириди - ОЛОМОН. Лекин оломон руҳининг, унинг ёвуз кучини, томошатадбланига маъсулдан номардларча қочиб табиятини ўзининг «Шум бола» қис-

рашиб, суҳбатлашгани ҳақиқатга У «Латойфи Тарозий» номи билан ҳам машҳур бўлган. «Фунун ул-балога» кўлэмасининг нусхаси тилшуно олимимиз Эргаш Умаровнинг сайъ-харақати билан Ватанимизга келтирилган эди. Бу асарнинг топилиши адабиёт тарихида катта воқеа бўлди. Асар юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда.

